Ŭzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
**HOKIMI**

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
**ХОКИМИ**

# ҚАРОР

« 9 » июль №199-К

**Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни куриш хамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тугрисида**

Узбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23, 57 моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни куриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тугрисидаги туманлар хокимларининг кабул килган карорларини куриб чикиб

**КАРОР КИЛАМАН:**

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни куриш хамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тугрисидаги:

-Иштихон туман хокимининг «Иштихон консерва» масъулияти чекланган жамиятга карашли «Агрофуд» агрофирмасига данакли уриксор боги барпо этиш учун ер ажратиш тугрисида»ги 2001 йил 28 сентбрдаги 774-К ракамли, «Фукароларга умрбод мерос килиб колдириш хукуки билан уй-жой куриш учун ажратилган ер участкаларини «Ким ошди» савдосида сотиш тугрисида»ги 2001 йил 4 июндаги 434-К ракамли;

-Тайлок туман хокимининг «С.Айний номли ширкат хужалигининг Маданият махалласида яшовчи фукаро Марупов Олим Туракуловичга Самарканд-Айний йулининг ёкасидан тиббий дорихона куриш учун ер майдони ажратиш хакида»ги 2002 йил 27 апрелдаги 341/4-К ракамли, А.Темур номли хужалик худудида ташкил этилган «Боймурод-бобо» хусусий корхонасига аҳолига маиший хизмат курсатиш комплекси куриш учун ер майдони ажратиш хакида»ги 2001 йил 28 декабрдаги 957/12-К ракамли;

-Пастдаргом туман хокимининг «К.Тураев номли ширкат хужалиги аъзоларининг фукаро Сатторов Зоирга маиший хизмат курсатиш шахобчасини куриш учун ер ажратиш хакидаги 2001 йил 5 мартдаги 1 сонли умумий йигилиш карорини тасдиклаш тугрисида»ги 2002 йил 28 февралдаги 62-К ракамли, «Дустлик» ширкат хужалиги аъзоларининг хужалик худудидан фукаро Маматова Иродага савдо дукони куриш учун ер ажратиш хакидаги 2001 йил 22 январдаги 1-сонли вакиллар йигилиши карорини тасдиклаш тугрисида»ги 2001 йил 16 ноябрдаги 269/11-1 ракамли, «А.Темур номли ширкат

жалиги аъзоларининг хужалик худудидан фукаро Умаров Шералига хусусий автокемпинг, мехмонхона, автомобилларни таъмирлаш устахонаси, ёкилги куйиш шахобчаси, сауна-бассейн ва ошхона куриш учун ер ажратиш хакидаги 2002 йил 17 январдаги 1-сонли умумий йигилиши карорини тасдиклаш тугрисида»ги 2002 йил 25 апрелдаги 165-К ракамли, «Дустлик» ширкат хужалиги аъзоларининг фукаро Салимов Сундурга автокемпинг куриш учун ер ажратиш хакидаги 2000 йил 3 апрелда 1-сонли умумий йигилиш карорини тасдиклаш тугрисида»ги 2001 йил 12 сентябрдаги 196/9-5 ракамли кабул килган карорлари иловага мувофик тасдиклансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошкармаси (Н.Бакиров)га хужаликларнинг ер тугрисидаги хисоботларига тегишли узгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат килиш вилоят хокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Хашимовга юклатилсин.

**Вилоят хокими** **Ш.Мирзиёев**